

ОИЛА-МАҲАЛЛА ҲАМКОРЛИГИДА ШАХМАТ ЎЙИНИ ОММАВИЙЛАШТИРИШ

**Гулистон давлат унверситети «Педагогика ва психология» кафедра
ўқитувчиси Холиқов Умиджон.**

Мамлакатимизда бунёдкорлик жараёни амалга ошаётган ҳозирги пайтда маънавий-ахлоқий етук, интеллектуал ривожланган, жисмонан бақувват, ўткир зеҳнли, ҳар томонлама камол топган шахсни шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўз-ўзини бошқариш органларига кирадиган маҳалланинг ушбу ҳудудда яшовчи аҳоли турмуши, унинг соғлом ҳаёт кечириши, ижтимоий-иқтисодий юксалиши ҳукуматимизнинг доимий диққат марказида турганлиги ижобий ҳолдир. Бинобарин, ушбу ижтимоий тузилманинг барча ижобий хусусиятларидан фойдаланиб, ёшларда шахмат ўйини спортга нисбатан қизиқишни ошириш муҳим вазифа ҳисобланади.

Бизга ўтмишдан маълумки, ота-боболаримиз шахмат спортдан ҳаётий эҳтиёж сифатида фойдаланишган. Халқимиз ичида эпчиллик, чаққонлик, кучлилик ва иродавий фазилатларини ўзларида мужассам этган кишилар кўп бўлганлиги буюк алломаларимиз асарларида ўз аксини топган. Тарихий манбаларда келтирилишича, ўзбек халқи шахмат ўйинини инсонни жисмоний тарбиялаш воситаси деб қарашган. Халқ ўзида кучлиликни, чидамлиликни, ирода ва ботирликни меҳнаткаш халқнинг ахлоқий софлигини мужассамлаштирган шахматчига ҳурмат билан муносабатда бўлган. Оилавий байрамларда, ишдан бўш вақтларда, шахмат мусобақалари ўтказилган. Бу мусобақалар айниқса Наврўз байрами кунлари кенг авж олган. Унда турли шаҳар ва қишлоқлардан келган шахматчилар иштирок этишган.

Буюк алломаларимиз, ёзувчи ва олимларимиздан Абу Али Ибн Сино (980-1037), Алишер Навоий (1441-1501) асарларида кучли шахматчиларнинг беллашувлари тасвирланган ҳамда баъзи усулларнинг таърифи келтирилган.

Ушбу асарлардан кўриниб турибдики, ўзбекларда усуллар тизими етарлича ривожланган шахмат ўйини спорти мавжуд бўлган.

Шахматнинг инсон тафаккури ривожигаги ўрни ҳақида кўпгина илмий-тадқиқот ишларида (М.Муҳиддинов, Р.Евқаев, А.Тошхўжаев) ёритиб берилган. Шунингдек, буюк тарихий шахслар (Амир Темур, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва б.) ҳам ўз фаолиятида шахмат (шатранж) ўйинларидан фойдаланганликлари ҳақида тарихий манбаларда кўплаб мисоллар келтирилган.

Бугунги кунда Сирдарё вилоятида жойлашган маҳаллаларда шахмат ўйини спортга таянган ҳолда ёшларнинг бўш вақтини камраб олиш борасида маълум ишлар амалга оширилмоқда. Ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида шахмат ўйини спортдан самарали фойдаланаётган маҳаллалардан етишиб чиққан шахматчи полвонлвримизнинг доврўғи бутун оламга машхур бўлмоқда.

Шунга қарамасдан, барча маҳаллаларда ёшлар билан ташкил этилаётган спорт тадбирларини талаб даражасида, дейиш қийин. Бу масалага агар ҳудудий нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, айрим қишлоқ ва шаҳар жойларда бу масала анча ижобий ҳал қилинган, маҳаллаларда ёшларнинг бўш вақти турли спорт машғулотлари ва спорт тадбирларида иштирок этиш ҳисобига маълум даражада изга солинган.

Бироқ, айрим маҳаллаларда ёшларнинг бўш вақтини ташкил этиш масаласи ҳали ўзининг тўла ечимини топган эмас. Бу эса тўғридан-тўғри ҳар бир маҳаллада ташкил этиладиган спорт тадбирлари ва уларнинг савиясига бориб тақалади. Бугунги кунда маҳаллаларда жамоатчилик асосида фаолият кўрсатадиган маҳалла фаоллари:маҳалла раислари, маслаҳатчилар, мураббийлар, педагоглар ўзларининг иш услубларини асосан ёшлар жисмоний тарбиясини биринчи ўринга қўйган ҳолда ташкил этишлари зарурлигини кўрсатади.

Маҳаллада ёшларни шахмат ўйини спортга қизиқтиришда ва бу орқали шахмат спортини оммавийлаштиришда қуйидаги усуллардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

(1 -чизма)




Барчамизга аёнки тарбия оиладан бошланади. Тарбия онгни, хулқ-атворни, шахсни ҳар томонлама ривожлантиришни бирор мақсадга қараб шакллантиришга қаратилган жараёндан иборат бўлади. Чунки оилада бериладиган бу тарбия жараёнида фақат билимлар ўзлаштирилиб, малака ва кўникмалар ҳосил қилинмайди, ўзбек кишининг ахлоқий эътиқоди, ҳис-туйғуси, ахлоқий, иродавий ва жисмоний сифатлари, характер хусусиятлари таркиб топтирилади.

Шахмат ўйини спорти миллий қадрият эканлигини аввалом бор оилада хис қилиб уни маҳаллаларда оммавийлаштириш билан умум инсоний қадриятга айлантиришга барчамиз масул эканлигимизни ва ушбу орқали ўзбек ёшларни дунёга танитиш имкониятлари мавжудлигини назарда тутганда, ушбу масалага янада жиддий қараш зарурлигини кўрсатади.

Жисмоний маданият ва спортнинг ижтимоий тараққиётдаги роли ошиб боргани сайин, маҳаллада ёшларни шахмат ўйини спортига йўналтириш зарурияти ортиб боради. Юқорида баён этилган фикрлар асосида маҳаллада шахмат ўйини спортини оммавийлаштиришнинг асосий омиллари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин (2 -чизма).

2 -

чизма.



Энг асосийси ота-оналар, ёшларни жисмонан соғлом бўлиши, маънавий юксалишида шахмат ўйини билан шуғулланишнинг аҳамиятга катта эканлигини тушунишлари ва хис қилишлари зарур.

Шунингдек юқоридаги фикрлардан келиб чиққан ҳолда ёшларда шахмат ўйини спорти тўғрисида онгли муносабатини таркиб топтириш ва бу орқали маҳаллаларда шахмат ўйини спортини оммавийлаштириш мумкинлигини ҳисобга олиб қуйидагиларни таклиф этамиз.

1. Маҳалла ёшларида уларнинг ёш хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда шахмат ўйинига нисбатан тасаввурларни шакллантириш;
2. Ота-оналар ўртасида миллий қадриятимиз, миллий ифтихоримиз бўлган шахмат ўйинига нисбатан ижобий таъсавурни шакллантириш;
3. Оила ва мактабгача таълим масканларидан бошлаб шахмат ўйинига қизиқишни тарбиялаш;
4. Мамлакатимиздан етишиб чиққан Жаҳон ва Осиё чемпионлари фаолиятини кенг тарғиб этиш, уларни ибрат қилиб кўрсатиш;
5. Ёшларни маҳаллий спорт усталари фаолияти билан яқиндан таништириш;
6. Айнан шахмат ўйини спорти орқали маҳалла ва оила ҳамкорлигини шакллантириш.

Агар юқоридагиларни назарда тутган ҳолда маҳалла ҳамкорлигида ёшлари ўртасида шахмат ўйинини оммавийлаштириш йўлга қўйилса:

- 1) Шахмат ўйинига нисбатан ижобий тасаввурлар кенгаяди;
- 2) Ёшларни жисмонан бақувват, соғлом этиб тарбиялаш имкони ошади;
- 3) Уларнинг бўш вақти кўнгилли ташкил этилади;
- 4) Ёшлар орасида спорт билан шуғулланувчилар сони кўпаяди;
- 5) Ёшлар орасида тартиб бузиш ҳолатлари камаяди.

Хулоса қилиб айтганда, ёшида шахмат ўйинларидан фойдаланиш орқали уларнинг идроки, тафаккури, хотираси ва мантиқий фикрлашини ўстиради ва ривожлантиради.

Шахмат ўйнаш орқали болалар фикрини ўстириш ғояси бизнинг бир фикр. Профессор В.Алимасов ёзганидек: “Сергак фикрларгина кишиларни сергак яшашга ўргатади”. Шахмат ўйини фикрлашга ундовчи, чорловчи ўйин, санъат, спортдир. Бу универсал ўйинни ўрганиш, у билан шуғулланиш ва уни болаларга ўргатиш барчамизни фақат мустақил фикрлашга ва мустақил фикр орқали сергак яшашга ўргатади.

Зеро, Президентимиз ёзганларидек: “Эндиги асосий вазифа-кишиларимизнинг мустақил фикрлашга ўрганиши, ўзига ишончининг ортиб

боришидир. Чунки тафаккур озод бўлмаса, онг ва шуур тазйикдан, қулликдан қутулмаса, инсон тўла озод бўлолмайди”.